



## **XALQ DEPUTATLARI SURXONDARYO VILOYATI KENGASHINING QARORI**

Termiz shahri, At-Termiziyo ko'chasi 1-uy, 190100, tel: (76) 224-12-30, (76) 224-03-94, (76) 221-74-81

2021 йил «14» июль

VI-31-41-8-0-K/21

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги

**2021 йилда “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва ахоли саломатлигини мустаҳкамлаш иили”да “Темир дафтар”га киритилган оилалар билан ишлаш, эҳтиёжманд оилаларни қўллаб қувватлаш юзасидан олиб борилаётган ишлар бўйича Сурхондарё вилояти Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари хисоботи тўғрисида**

Ҳудудларда эҳтиёжманд оилаларни қўллаб қувватлаш, “Темир дафтар”га киритилган оилалар билан ишлашни жадаллаштириш, ахоли бандлигини таъминлаш, вилоятда камбағалликни қисқартириш масаласида Сурхондарё вилояти Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари Э.Авазовнинг хисоботини инобатга олиб, халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши қарор қиласи:

1. Ҳудудларда эҳтиёжманд оилаларни қўллаб қувватлаш, “Темир дафтар”га киритилган оилалар билан ишлашни жадаллаштириш, ахоли бандлигини таъминлаш, вилоятда камбағалликни қисқартириш масаласида Сурхондарё вилояти Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари Э.Авазовнинг хисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. Сурхондарё вилояти ҳокимининг ўринбосари Ф.Таиров ҳамда Термиз шаҳар ва туманлар ҳокимлари эҳтиёжманд оилаларни қўллаб қувватлаш мақсадида Термиз шаҳар ва туманларда “Маҳалла ҳайрия жамоат фонди” ҳузурида ташкил этилган “Саховат ва кўмак” жамғармаларига зарур маблағларнинг шакллантирилишини таъминласин.

3. Туман ҳокимлари ҳамда сектор раҳбарлари ғалладан бўшаган ерларга такрорий экин экиш истагини билдирган “Темир дафтар”даги эҳтиёжманд оилаларга ер майдонлари ажратилишини ҳамда дастлабки харажатларини “Саховат ва кўмак” жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоблап берилиши бўйича зарурий чораларни кўрсин.

4. Термиз шаҳар ва туманлар ҳокимлари, сектор раҳбарлари “Темир дафтар”га киритилган аммо ёрдам кўрсатилмаган оилаларга белгиланган тартибда ёрдам кўрсатиш ҳамда “Темир дафтар”га киритиш масаласида мурожаат қилган оилаларни оилавий шароитини ўрганиб, уларга амалий ёрдам бериш чораларини кўрсин.

5. Термиз шаҳар ва туманлар ҳамда сектор раҳбарлари бир ой муддатда “Темир дафтар”дан чиқарилган, аммо бугунги кунда етарли даромад билан таъминланмаган, “Темир дафтар”дан чиқарилганингидан хабари йўқ ва норозилигини билдириган оиласаларни “Темир дафтар”га қайтадан киритиш ҳамда сектор раҳбарлари томонидан доимий равишида манзилли кўмак кўрсатиб бориш ҳамда доимий бандлигини таъминлаш чораларини кўрсин.

6. Сурхондарё вилояти Бандлик бош бошқармаси (С.Жумаев), Термиз шаҳар ва туманлар ҳокимлари, сектор раҳбарлари биргаликда жорий йилнинг III чорагида “Темир дафтар”га киритилган, меҳнатга лаёкатли ишсиз, ишга жойлаштирилмаган 217 нафар фуқаролар бандлиги таъминлаш ҳамда касб-хунарга ўқиши истагини билдириган 193 нафар фуқароларни касб-хунарга ўқитиш бўйича белгиланган тартибда зарурий чораларни кўрсин.

7. Сурхондарё вилояти Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари Э.Авазов, вилоятдаги барча сектор раҳбарларига бир ой муддатда парандачиликни ривожлантириш учун “Темир дафтар”га киритилган оиласаларга тарқатилган “Инкубатор” жиҳозидан унумли фойдаланиш бўйича турли семинарлар ташкил этиш вазифаси юклатилсин.

8. Юқорида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан тегишли мансабдор шахслар томонидан ҳар ой якунида халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашига ёзма ахборот киритиб борсин.

9. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси (И.Ёқубов) зиммасига юклансин.

10. Мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Кенгаш раиси



Bobolov T.A.